

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВ МУХРИДДИН ТУЛКИН ЎҒЛИ

ЮҚОРИ ТЕЗЛИҚДАГИ АНАЛОГ АҲБОРОТЛАРИ КИРИШ
ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ АНИҚЛИГИ ВА ШОВҚИНГА
ТУРҒУНЛИГИНИ ОШИРИШ

05.03.01 - Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (техника фанлари)

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исмоилов Мухриддин Тулкин ўғли Юқори тезликдаги аналог ахборотлари кириш қурилмаларининг аниқлиги ва шовқинга турғунлигини ошириш.....	3
Исмоилов Мухриддин Тулкин угли Повышение точности и помехоустойчивости быстродействующих устройств ввода аналоговой информации.....	21
Ismoilov Mukhriddin Tulkin ugli Improving the accuracy and noise immunity of high-speed analog input devices.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСМОИЛОВ МУХРИДДИН ТУЛКИН ЎҒЛИ

**ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ АНАЛОГ АХБОРОТЛАРИ КИРИШ
ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ АНИҚЛИГИ ВА ШОВҚИНГА
ТУРГУНЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.03.01 - Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (техника фанлари)

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1819 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жумаев Одил Абдужалилович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Алиев Равшан Маратович
техника фанлари доктори, профессор

Платнев Анатолий Михайлович
техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:


Муҳаммад ал-хоразмий номидаги Тошкент
ахборот технологиялари университети


Диссертация химияси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «09» 01 соат 12⁰³ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел./факс: (99871) 246-46-00; (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (292-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-03-41.)

Диссертация автореферати 2022 йил «26» 12 куни тарқатилди.
(2022 йил «3» 12 даги 31- рақамли реестр баённомаси)




Н.Р. Юсупбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик


У.Ф. Мамиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., доцент


У.Т. Муҳамедханов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги вақтда рақамли технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан шовқин ва ҳалақитларни филтрлаш ёрдамида ўлчаш маълумотларини юқори сифатли қайта ишлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада аппарат ва дастурий воситалар ўртасида шовқинни филтрлаш функцияларини оптимал тақсимлаш жараёни, ўлчаш тизимларининг аниқлигини ва шовқинга турғунлигини ошириш борасида аналог модулларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатларида рақамли ўлчаш тизимлари самарадорлигини оширишда эришилган натижалар, замонавий элементлар базаси ва рақамли технологиялар ютуқларини қўллаш орқали ўлчаш тизимларининг аниқлиги ва шовқинга турғунлигини ошириш масалаларини ўрганиш ва бу соҳадаги илмий изланишларни амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда замонавий илмий тадқиқотларда бирламчи ўзгартиргичлардан олинган сигналларни рақамли қайта ишлайдиган қурилмалар ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ўлчаш тизимларининг тезлиги ва аниқлигини ошириш масалаларига қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўлчаш тизимларининг ишончлилигини ошириш, салбий таъсир этувчи омилларни пасайтириш ва улар атрофида электрмагнит майдонлар туфайли ҳосил бўлган паразит шовқинларни йўқотиш мақсадида ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳмият касб этмоқда. Шу жумладан ўлчаш воситаларини яратиш учун аниқлик ва шовқинга турғунлигини оширадиган ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Республикамызда рақамли иқтисодий фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ва ўлчаш тизимларини жорий этиш бўйича комплекс тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан "... иқтисодийнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодий тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш, ... иқтисодий, маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлариغا инновацион ишланма ва технологиялар жорий этилишини таъминлаш"¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш жумладан ўлчаш воситалари ва интеллектуал интерфейс тизимлари таркибий қисмларининг метрологик хусусиятларини яхшилаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПФ-3682сон "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"га Фармони

ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва техникасини ривожланишининг - IV “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда, олий ўқув юртларининг кўплаб илмий марказлари ва лабораторияларида интерфейс тизимларининг хусусиятларини, шу жумладан интеллектуал ўлчаш тизимлари учун аналог кириш модулларини такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича Berkeley, Los Angeles Massachusetts Institute of Technology, (АҚШ), University of Munich, Automatisierung (Германия), The University of Edinburgh, (Вуюк Британия), Yaskawa Toshiba (Япония), Technion-Israel Institute of Technology (Израиль), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети (Россия), Swiss Federal Institute of Technology Lausanne (Швейцария), Erasmus University Rotterdam (Голландия), ва ТошДТУ (Ўзбекистон) Миллий метрология институти ва бошқаларда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг муаммоли вазифаларини ҳал қилиш ва ахборотни қайта ишлашнинг янги тамойиллари билан барқарор бошқарув тизимларини яратишда хорижлик олимлардан жумладан, J.R. Barnes², H.W. Ott³, С. Plapous⁴, R. V. Snyder,⁵ А. Н. Кузнецов,⁶ А. О. Калита⁷ ва бошқалар ўзларининг улкан хиссаларини қўшганлар.

² Tuomi M., Hugh R. J., James S. J., Chris G., R. Paul B., Steve S. V., John R. B. “Signals embedded in the radial velocity noise-Periodic variations in the τ Ceti velocities.” *Astronomy and Astrophysics* 551 2013: A79.

³ Ott H. W. *Electromagnetic compatibility engineering*. John Wiley and Sons, 2011.

⁴ Plapous C., Claude M., Laurent M., Pascal S. A two-step noise reduction technique // *IEEE international conference on acoustics, speech, and signal processing*, vol. 1, pp. 1-289. IEEE, 2004.

⁵ Snyder R. V., Macchiarella G., Bastioli S., Tomassoni C. Emerging trends in techniques and technology as applied to filter design. // *IEEE Journal of Microwaves*, 1, 2021 pp.317-344.

⁶ Кузнецов А. Н., Поляваев О. И., Перспективы использования систем активного шумоподавления // *Вестник* 1 2010: С. 46.

⁷ Калита А. О., Шахайда В. М. Системы шумоподавления с адаптивным управлением // *In Современные проблемы радиотехники и телекоммуникаций РТ-2015*, С. 221-221.

Мамлакатимиз олимларидан: Р.К.Азимов⁸, Ш.М.Гулямов⁹, Х.З.Игамбердиев¹⁰, П.Р.Исматуллаев¹¹, Т.Д.Раджабов¹², Э.Улжаев¹³, Ю.Г.Шипулин¹⁴, Н.Р.Юсупбеков¹⁵ ва бошқалар ўлчаш тизимларига доир муаммоларни ҳал қилиш, ўлчаш қурилмаларининг математик масалаларини ечиш, интеллектуаллаштириш ва моделлаштириш бўйича формал усуллар ва алгоритмлар ишлаб чиқишда муносиб ҳисса қўшганлар.

Бироқ, сўнгги йилларда ўлчаш тизимларининг аниқлигини оширишга қўйиладиган талаблар сезиларли даражада ошди, ammo ўлчашлар сифатини ошириш масалалари етарлича ўрганилмаган. Шу билан бирга, ўлчаш тизимларининг сифат хусусиятларини яхшилайдиган шовқинга чидамли қурилмаларни яратишга етарлича эътибор берилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг: 11/2021-Э-“Навоий кон металлургия комбинатининг 5-ва 7-сон металлургия заводларида рақамли технологиялар асосида интеллектуал бошқариш жараёнлари тизимини ишлаб чиқиш” (2020-2021) мавзусидаги хўжалиқ шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шовқин, ҳалақит ва ғалаёнларни дастурий филтрлаш орқали ўлчаш тизимлари учун юқори аниқлик ва шовқинга бардошли интерфейс қурилмаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

ўлчаш тизимларининг шовқинга бардошлилигини ошириш учун асбоблар ва усулларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

фликкер шовқин таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўлчаш тизимининг шовқинга бардошлилигини ошириш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ўлчаш тизимларининг аниқлик хусусиятларига таъсир қилувчи оқ шовқинни бартариф этиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

⁸ Азимов Р. К., Шипулин Ю. Г., Азимов А. Р. Оптоэлектронный преобразователь перемещений // Патент № 1825977 А1 МПК G01B 21/00. № 4900902 07.07.1993

⁹ Юсупбеков Н. Р., Темербекова Б. М., Гулямов Ш. М. Современные информационные технологии в автоматизированных системах управления энергохозяйством промышленных предприятий // Промышленные АСУ и контроллеры. – 2018. – № 12. – С. 3-9.

¹⁰ Igamberdiev H. Z., Kholodzhayev V. A. Algorithms for sustainable recovery of input influence on the basis of dynamic filtration methods // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 2020 24(03).

¹¹ Исматуллаев П. Р., Карлов А. В. Устройство для связи с объектом управления // Патент РФ № 1807586 А1 СССР, МПК H04Q 3/02.: 07.04.1993;

¹² Раджабов Т. Д., Рахимов Б. Н., Ларина Т. В. Оптоэлектронная информационная измерительная система для обнаружения и регистрации предразрушения элементов металлических конструкций. // Интерэкспо Гео-Сибирь, 5(1), 2011. pp.132-137.

¹³ Uljaev E., Narzullaev S. N., Erkinov, S. M. Increasing calibration accuracy of the humidity control measuring device of bulk materials. // Technical science and innovation, 2020(3), pp. 172-179.

¹⁴ Хамдамов Б. М., Шипулин Ю. Г., Абдураимов Ф. А., Холматов У. С. Интеллектуальный оптоэлектронный прибор для контроля расхода воды в открытых каналах // Наука. Образование. Техника. – 2015. – № 2(52). – С. 72-82.

¹⁵ Юсупбеков Н.Р., Алиев Р.А., Алиев Р.Р., Юсупбеков А.Н., Интеллектуальные системы управления и принятие решений // Ташкент. Издательство Национальной энциклопедия Узбекистана, 2015 – 572 с.

шовқин ва шовқинларнинг ўлчаш сигналларига таъсирини ўрганиш ва уларни ўлчаш тизимларининг шовқинга турғунлигини ва аниқлигини ошириш учун дастурий таъминот орқали филтрлаш имкониятларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти ўлчаш маълумотлари сифатини яхшилаш учун ҳалақит ва шовқинни дастурий филтрлашга ўлчаш тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети ҳалақит ва шовқинни дастурий филтрлашга ўлчаш тизимининг аниқлиги ва шовқинга турғунлигини ошириш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил назарияси, сигналларни қайта ишлаш, ўлчаш тизимларини шовқинга турғунлигини ошириш, экспериментал маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва шовқинни филтрлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ўлчаш тизимларининг шовқинга турғунлигини ошириш қурилмалари ва усуллари таҳлил қилиш асосида ўлчаш тизимларининг динамик кўрсаткичларини яхшилаш имконини берадиган кириш сигнални рақамли филтрлаш услуги ишлаб чиқилган;

резистив элементлар томонидан юқори частотали бузилишлар ва ҳалақитларда ҳосил бўладиган, фликкер шовқиннинг таъсирини ҳисобга оладиган, узоқ ўлчаш даврини талаб қиладиган жараёнларда ўлчаш тизимининг шовқинга турғунлигини оширадиган кириш сигналнинг дисперсиясини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

тасодиқий жараёнлар таъсирида юзага келадиган, ўлчаш тизимларининг аниқлик хусусиятларига таъсир қиладиган, оқ шовқинни бартараф этиш коэффицентини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ўлчаш тизимининг аниқлигини оширадиган, унинг динамик характеристикасини силлиқловчи, кириш сигнали параметрларининг қийматларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

интерфейс модуллари таъминлаш ва ўлчаш тизимларининг аниқлиги ва шовқинга турғунлигини оширишга ёрдам берадиган схемалар ишлаб чиқилган;

саноат ускуналарининг ўлчаш тизимларида энг кенг тарқалган шовқин турларини рақамли филтрлаш жараёнларини амалга оширадиган алгоритмлар ва таъминот дастурлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги ўлчаш асбоблари ёрдамида олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг ўзаро уйғунлиги, интерфейс қурилмаларини тадқиқ этиш учун назарий ҳисоблашлар ва компьютерли моделлаштириш натижалари ва уларнинг изчиллиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритмлар ва шовқинларни филтрлашга мос келувчи дастурларни қўллаш асосида

Ўлчаш тизимларининг аниқлиги ва шовқинга турғунлигини оширувчи услубиятларнинг таклиф этилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўлчов ахборотини юқори тезликда қайта ишловчи, шовқинларни филтрловчи ишлаб чиқилган микропроцессорли ўлчов тизимининг амалиётда қўлланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Микропроцессорли ўлчаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

резистив элементлар томонидан юқори частотали бузилишлар ва ҳалақитларда ҳосил бўладиган, фликкер шовқиннинг таъсирини ҳисобга оладиган, узоқ ўлчаш даврини талаб қиладиган жараёнларда ўлчаш тизимининг шовқинга турғунлигини оширадиган кириш сигналининг дисперсиясини ҳисоблаш алгоритми Кон-металлургия комбинати Марказий Кон бошқармасининг ГМЗ-7 да жорий қилинган (Навоий Кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 26.01-01-05/1106-сон маълумотномаси). Натижада, маълумотларни киритиш қурилмаларининг аниқлиги ва шовқинга чидамлилигини ошириш, технологик режимларини барқарорлаштириш ва асбоб-ускуналар ва саноат қурилмаларининг самарадорлигини ошириш имконини берган;

ўлчаш тизимининг аниқлигини оширадиган, унинг динамик характеристикасини силлиқловчи, кириш сигнали параметрларининг қийматларини ҳисоблаш алгоритми Кон-металлургия комбинати Марказий Кон бошқармасининг ГМЗ-7 да жорий қилинган (Навоий Кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 26.01-01-05/1106-сон маълумотномаси). Натижада, жараённинг технологик режимларини барқарорлаштириш, энергияни бошқариш сифати ва аниқлиги, ёқилгини тежаш ва маҳсулот таннархини пасайтириш натижасида 2-3% иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, хорижий илмий журналларда 3 та мақола чоп қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан ЭХМ лар учун дастурий маҳсулотларга 7 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги кўрсатилган, мақсади шакллантирилган ва унга эришиш учун вазифалар қўйилган, илмий янгилик, шунингдек тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. **“Ўлчаш тизимлари учун шовқинга чидамли модулларни яратиш хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида ахборот ва ўлчаш тизимларининг аналог модулларига ҳалақитларни бартараф этиш учун мавжуд ҳисоблаш усуллари ва схемотехник тамойиллари, шунингдек уларнинг шовқинга турғунлигини таъминлаш усуллари таҳлил қилинди.


Шовқинга турғунликни оширишнинг мавжуд конструктив ва схемотехник усуллари барча ташқи безовта қилувчи омилларни тўлиқ қоплай олмаслиги ва уларнинг таъсирини ҳар томонлама бартараф эта олмаслиги, шунингдек интерфейс тизимларининг аналог модулларининг шовқинга турғунликни таъминлай олмаслиги аниқланди.

Интерфейс тизимларининг аналог кириш модулларининг шовқинга турғунлигини таъминлаш учун илгари ишлаб чиқилган конструктив ва схемотехник ечимларини кўриб чиқиш шуни кўрсатдики, энг долзарб усул лойиҳалаш ва техник хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида аналог модулларнинг шовқинга турғунлигини ошириш учун алгоритмик усулларни ишлаб чиқишга асосланган.

Шунингдек, аналог модулларнинг шовқинга турғунлигини ва ишончлигини оширишнинг истиқболли йўналиши-бу лойиҳаланаётган блокларнинг оптимал тузилишини аниқлаш учун шовқинга турғунлигини мақбул даражасига имкон берадиган оптимал қийматларни ва ташқи безовта қилувчи ҳалақитларнинг спектрал частоталарини қидириш ҳисобланади.

Иккинчи боб **“Ўлчаш тизимларининг шовқинга турғунлигини аниқлашнинг математик усуллари”** деб номланган бўлиб, ташқи безовта қилувчи шовқинлар таъсири остида ахборот ва ўлчаш тизимларининг аналог блокларининг элементар базаси таркибида юзага келадиган ва ўлчаш сигналларининг аниқлиги ва ишонччилиги бўйича номинал қийматлардан оғишига олиб келадиган жараёнларни тавсифлайди.

Аналогли киритиш қурилмаларининг ривожланиш тенденциялари ўлчаш каналининг куйидаги тузилишини аниқлайди (1-расм). Физик катталик (ФК) бирламчи ўлчаш ўзгарткичи (датчик-Д) томонидан ток ёки кучланишга (Доимий, Ўзгарувчан) айлантирилади, кейин бу сигнал унификациялашган ўзгарткич (УЎ) томонидан кучайтирилади, бу унификацияланган сигнални ҳосил қилади (0-1В, 0-2В, 0-5В, 0-20мА, 4-20мА) бу сигнал алоқа канали (АК) бўйлаб Аналог рақамли ўзгарткич (АРЎ) киришларига узатилади. Баъзи ҳолларда АРЎ олдида аналог (анти-лайзингли) фильтрлар (АФ) ўрнатилади. АРЎ дан кейин маълумотлар рақамли равишда микроконтроллер, дастурланувчи мантиқий қурилма ёки компьютердан иборат ҳисоблаш қурилмаси (ХҚ) томонидан қайта ишланади. Ўлчанган параметрнинг қиймати назорат ва бошқарув тизимининг рақамли интерфейсларига узатилади.



1-расм. Ўлчаш каналининг структура схемаси

Динамик режимда Интеллектуал ўлчаш тизимлари аналог блокларининг кириш ўлчаш сигналларининг барқарор шовқин турғунлигини таъминлайдиган математик модель қурилди. Ҳарорат ва частотанинг бузилиши ва шовқинларининг биргаликдаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда прецизион кучайтиргичларида ва интеллектуал ўлчаш тизимлари аналог блокларининг ўзгарткич қисмида кириш сигналларининг аниқлиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан хусусиятларнинг барқарорлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Аналог блокларнинг умумий хатолигини аниқлаш учун иккита формула қабул қилинди:

$$\delta_{\Sigma \Delta x} = \delta_{\Delta x} + \delta_D + \delta_{U\dot{U}} + \delta_{AK} + \delta_{AF} + \delta_{AR\dot{U}} + \delta_{HK}$$

$$\delta_{\Sigma \Delta x} = \sqrt{(\delta_{\Delta x})^2 + (\delta_D)^2 + (\delta_{U\dot{U}})^2 + (\delta_{AK})^2 + (\delta_{AF})^2 + (\delta_{AR\dot{U}})^2 + (\delta_{HK})^2} .$$

Бу ерда

$\delta_{\Sigma \Delta x}$ - солиштирма хатоликларнинг арифметик суммаси

$\delta_{\Sigma \Delta x}$ - солиштирма хатоликларнинг ўрта квадратик қиймати.

Рақамли датчикнинг чиқишида сигналнинг хатолиги (γ_{RD}) 4 та компонентга эга

$$(\gamma_{RD})^2 = (\gamma_D)^2 + (\gamma_{AF})^2 + (\gamma_{AR})^2 + (\gamma_H)^2,$$

бу ерда γ_D - унификациялашган чиқишли датчик хатолиги;

γ_{AF} - антиалязингли фильтр хатолиги;

γ_{AR} - аналог интерфейс хатолиги (аналог мультиплексор, аналог хотира қурилмаси, АРЎ);

γ_H - спектр қўйилиши хатолиги.

Спектр қўйилиши хатолиги (γ_H) датчик сигнални дискретизациялашда частота дискретизацияси (ω^H) ва $A(\omega)$ датчик сигналнинг спектрал зичлигининг параметри ҳисобланади:

$$\gamma_H = F_1(\omega^H; A(\omega)).$$

Ушбу боғлиқликни спектрларнинг суперпозициясининг берилган хатолиги учун частота дискретизацияси нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш мумкин

$$\omega^H = F_2(\gamma_H; A(\omega)).$$

Паст частотали спектрли сигналлар учун спектрларни суперпозиция қилиш хатолигини сигналнинг спектрал зичлиги $A(\omega)$ дискретизация

частотаси ω_{∂}^H ёрдамида олиш мумкин:

$$(\gamma_H)^2 = \frac{\delta_1 + \delta_2}{E},$$

бу ерда δ_1 – кесиш частотасидан кейинги сигнал энергияси;

δ_2 – кесиш частотасидан олдинги сигнал энергияси;

E – бутун диапазонда сигнал энергияси.

Бу қийматлар [1,2,3] формулалар бўйича ҳисобланади

$$\delta_1 = \frac{1}{\pi} \cdot \int_{0,5\omega_{\partial}^H}^{\infty} |A(\omega)|^2 d\omega, \quad (1)$$

$$\delta_2 = \frac{1}{\pi} \cdot \int_0^{0,5\omega_{\partial}^H} \left| \sum_{l \neq 0}^{+\infty} A(\omega + \omega_{\partial} \cdot l) \right|^2 d\omega, \quad (2)$$

$$E = \frac{1}{\pi} \cdot \int_0^{\infty} |A(\omega)|^2 d\omega. \quad (3)$$

Қўплаб амалий ҳолатлар учун ўринли бўлган Дискретлаштирилган сигнални 1-гармоникаси бўйича чегаралайдиган бўлсак δ_1 и δ_2 катталар тенг бўлади. Унда қуйидаги $(\gamma_H)^2 = \frac{1\delta_1}{E}$ тенглик кўринишда ёзилади.

“Рақамли филтрлашнинг алгоритмик усуллари ва кириш сигналнинг квантлашнинг чиқиш сигналига таъсири” деб номланган учинчи бобда шовқин турғунлиги даражасини ва аниқлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган ва бу интеллектуал ўлчаш тизимлари аналог модулларининг ташқи безовта қилувчи омилларни этиборга олган ҳолда иш қобилиятини башорат қилишга имкон беради.


Интеллектуал ўлчаш тизимлари аналог модулларини лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш пайтида ташқи безовта қилувчи ҳам иссиқлик, ҳам фликкер шовқин хусусиятларининг қийматларини аниқлаш, барқарор шовқин турғунлигини ва ўлчаш сигналларининг ишончлилигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун шовқинга турғунлигини ошириш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Дискрет бошқарув тизимининг барқарорлигини таъминлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда рақамли технологиялар асосида амалга ошириладиган классик адаптив бошқарув алгоритмларини такомиллаштириш учун схемотехник ечимлардан фойдаланиш ҳар доим ҳам керакли натижани бермайди.

Технологик жараёнларни бошқариш тизимларини янада ривожлантириш билимларни қайта ишлашнинг замонавий усуллари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда автоматик бошқариш тизимларини интеллектуаллаштиришга асосланган.

Рақамли филтрни (РФ) қуйидаги тенглама билан тавсифланган дискрет тизим сифатида кўриб чиқиш мумкин, унинг ечими дастурий равишда амалга ошади.

$$y(nT) = \sum_{m=1}^{M-1} a_m y(nT - mT) + \sum_{k=0}^{N-1} b_k x(nT - kT).$$



2-расм. Рақамли филтр структура схемаси

Кириш параметри $x(nT)$ ва чиқиш функцияси $y(nT)$ квантлар кетма-кетлиги сифатида аниқланади (2-расм). Бироқ, алгоритмнинг ишлашини амалга оширишда филтрлаш кичик хато билан содир бўлади. Дастурий ва алгоритмик ечимларнинг асосий вазифаси квантлаш хатосини йўқотишдир.

Шовқин ва шовқинларни филтрлаш тезлиги вақт t_{min} бўйича $t_{min} \leq T$, шарт бўйича ҳисобланади, бу ерда T -сигналларнинг квантлаш даври вақти.

Алгоритмик таъминотни амалга оширишнинг асосий воситаси дастурий таъминотни амалга ошириш ҳисобланади.

Куйидаги тенглама билан берилган рекурсив бўлмаган рақамли филтрни амалга оширишни кўриб чиқамиз (3- расм):

$$y(nT) = \sum_{k=0}^4 b_k x(nT - kT) = b_0 x(nT) + b_1 x((n-1)T) + b_2 x((n-2)T) + b_3 x((n-3)T) + b_4 x((n-4)T)$$

ёки узатиш функцияси билан


$$H(z) = \sum_{k=0}^4 b_k z^{-k}.$$

Детерминистик таъсир остида филтр ва чиқиш сигналларининг характеристикаларини ҳисоблаш учун қуйидаги усулдан фойдаланамиз.

Л тугуллари ва Р тармоқларини ўз ичига олган блок-диаграмма (ёки дискрет тизимнинг графи) берилсин ва $x_k(nT)$ кириш рақамли сигнали k -туғунида қўшимчанинг чиқишида ҳосил бўлган квантланган кетма-кетлик бўлсин,

$$X_k(z) \text{-} z \text{-кетма-кетликдаги алмаштириш } x_k(nT), \quad k = 1, 2, \dots, L.$$

Графларнинг ҳар бир тугуни учун тугун тенгламаси ёки уларнинг ўзаро кетма-кетлигини тавсифловчи Z тасвирлар ёзилиши мумкин.



3-расм. Рақамли филтр Z тасвирининг структура схемаси

Шундай қилиб, биз Z -тасвирлар учун L алгебраик тенгламалар тизимини $X_k(z)$, $k = 1, \dots, L$ оламиз, бу тизимни ечишда биз $X(z)$:кириш кетма-

кетлигининг Z-тасвири билан ифодаланган $Y(z)$ чиқиш кетма-кетлигининг Z-тасвирини топишимиз мумкин

$$Y(z) = H(z)X(z),$$

бундан тизимнинг узатиш функцияси $H(z)$ аниқланади. Худди шундай, дискрет тизимнинг исталган қисмининг узатиш функциялари аниқланади.

Фильтр киришига гармоник сигнал $x(nT) = e^{j\omega nT}$ берилганда ўткинчи жараённинг давомийлигини ҳисоблаймиз у ҳолда $y(nT)$ чиқиш сигнали $n \rightarrow \infty$ ω частота билан гармоник сигналнинг барқарор қийматига интилади.

$$y_{ch}(nT) = A(\omega)e^{j\varphi(\omega)}e^{j\omega nT},$$

бу ерда $H(z)$ - фильтрнинг белгиланган узатиш функцияси; $A(\omega) = |H(e^{j\omega T})|$ - фильтрнинг АЧХи;

$\varphi(\omega) = \arg H(e^{j\omega T})$ - фильтрнинг ФЧХи. Кўпинча ўтиш жараёнининг ҳақиқий давомийлиги lT ни тахмин қилиш керак $n=l$, $y(nT) \approx y_{ch}(nT)$ яқинлашиш қийматини аниқлаш талаб этилади. Шубҳасиз, иккинчиси тўғри, агар

$$\sum_{n=0}^{\infty} |h(nT)| \approx \sum_{n=0}^l |h(nT)|. \quad (4)$$

(4) тахминий тенгликнинг маъноси (5) аниқланиши мумкин, масалан: (5) агар бажарилган бўлса:

$$\sum_{n=0}^{\infty} |h(nT)| - \sum_{n=0}^l |h(nT)| = \sum_{n=l+1}^{\infty} |h(nT)| < \varepsilon, \quad (5)$$

ва
$$\varepsilon \leq \varepsilon_1 \sum_{n=0}^l |h(nT)|. \quad (6)$$

ε_1 , катталикини бериб, масалан $\varepsilon_1 = 0,01 \dots 0,001$, ва маълум бўлган $h(nT)$ характеристика орқали (6) дан l катталикини аниқлаш мумкин, бунда хатолик ε белгиланган қийматдан ошиб кетмайди. Дискрет тасодифий кетма-кетликларни фильтрлаш қуйидагича амалга оширилади, бу ерда $x(nT)$ стационар тасодифий кетма-кетлик импульсли характеристикаси ва $h(nT)$ узатиш функцияси бўлган дискрет фильтрда ишлайди

$$H(z) = \sum_{n=0}^{\infty} h(nT)z^{-n}.$$

Фильтрнинг чиқиш $y(nT)$ тасодифий кетма-кетлиги нисбатдан аниқланади:

$$y(nT) = \sum_{k=0}^{\infty} h(kT)x(nT - kT)$$

ёки Z тасвирдаги муносабат орқали


$$y(z) = H(z)X(z).$$

Кириш кетма-кетлигига мутаносиб характеристикалар маълум бўлса, $y(nT)$ чиқиш кетма-кетлиги статистик характеристикасини топамиз. Чиқиш кетма-кетлиги ўртача қуввати $P_{урт}$


$$P_{урт} = P_{ур} \sum_{n=0}^{\infty} h^2(nT).$$

Агар кириш сигнали нолга тенг бўлса ($\mu_x = 0$), унда


$$\sigma_y^2 = \sigma_x^2 \sum_{n=0}^{\infty} h^2(nT)$$



4-расм. Фликкер шовқин таъсирини ҳисобга олган ҳолда кириш сигналнинг дисперсиясини ҳисоблаш алгоритми



5-расм. Ўлчаш тизимларининг аниқлик хусусиятларига таъсир қилувчи оқ шовқинни баргараф этиш коэффициентини аниқлаш алгоритми.



6-расм. Кириш сигнали параметрларининг ўртача арифметик қийматларини ҳисоблаш алгоритми

“Шовқинларни дастурий филтрлаш билан микропроцессорли ўлчаш тизимини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи бобда интеллектуал ўлчаш тизимлари аналог блоklarининг шовқинга

турғунлигини ошириш ва баҳолаш учун ишлаб чиқилган алгоритмларни лойиҳалаш ва ишлаш босқичларида амалий татбиқ этиш кўриб чиқилган.

Автоматик бошқариш тизимларида (АБТ) аналогли киритиш чиқариш қурилмалари реал бошқариш объектлари билан контроллерларнинг мультиплекс алоқа каналлари интерфейсларини ташкил қилиш учун кенг қўлланилади. Дастурланувчи мантиқий контроллер (ДМК) ва ўлчаш датчиклари ўртасида ахборот алмашинувининг тавсия этилган тезлигини таъминлаш кўп жиҳатдан коммутация мосламаларининг конфигурациясини мақбул танлашга, ресурслардан оқилона фойдаланишга ва интерфейс параметрларига боғлиқ.

Ишлаб чиқилган киритиш чиқариш интерфейси биринчи марта НКМК ОАЖ ГМЗ-7 рақамли бошқарувининг ишлаб чиқариш тармоқларида, RS-485 интерфейсли модулар ўрнида интерфейс сифатида тизимнинг датчик ва ижро механизмлари билан алоқасини ташкил этиш учун ишлатилган. Ушбу модуль бир вақтнинг ўзида муҳандислик ечимларида маълумот олиш ва сигналларни узатиш учун қурилма сифатида ишлатилиши мумкин. Ишлаб чиқилган интерфейснинг схемаси 8-расмда кўрсатилган.

Унификациялашган ток сигналларини қабул қилиш ва узатиш учун интерфейс схемаси функционал равишда ток датчики 6, инвертор киришдан фойдаланилган кучайтиргич 10, АРЎ 7 ва интерфейс қабул қилувчиси қисмидата ўз ташқи қувват манбаини 5 бошқариш учун тизим микроконтроллеридан 4 иборат; интерфейс қабул қилувчи қисмида, ток манбаи 8, маълумотларни таққослаш кучайтиргичи 11 ва тизим интерфейснинг узатувчи қисмидаги РАЎ 9 дан иборат.

Чиқиш токига таъсир қиладиган хатоларни ютиш учун ток манбаи 8 ва қабул қилгич-узатгични таққослаш учун кучайтиргичдан иборат электрон манфий тескари алоқа билан қопланади ва уларнинг рақамли интерфейслари ишлаб чиқувчининг хоҳишига кўра тизим микроконтроллерига 4 уланиши мумкин, ёки тўғридан-тўғри алоқа орқали ёки гальваник боғлиқлик схемалари орқали уланиши мумкин. Ток датчикининг кириши 6 бир вақтнинг ўзида бутун қабул қилгич узатгичнинг кириши ток манбаининг чиқиш контакти 8 бутун интерфейс тизимининг чиқиши ҳисобланади. Унификациялашган ток сигналлари қабул қилгич узатгич интерфейси ишлаши қуйидагича: қабул қилгич токли ҳалқа схемасига уланганда интерфейснинг узатувчи қисмидаги ток манбаи 8 очиқ бўлади, натижада кириш токи стабилизатор 2 нинг параллель контурида кучланиш тушуви ҳосил бўлади.

Қабул қилгичнинг стабиллашган ток даражаси ток манбаи 8 томонидан белгиланади ва ўрнатилади, унинг номинал даражаси интерфейс қабул қилгич узатгичнинг ўз истеъмол эҳтиёжлари токидан кам бўлмаслиги керак. Микроконтроллер 4 таркибида 9 кўп тактли интеграллаш АРЎ 7 ва РАЎ 9 мавжуд. Қурилма узатиш режимида ишлаётганда, микроконтроллер 4 РАЎ 9 га чиқиш токига мос келадиган рақамли маълумотларни ёзишни бошлайди. АРЎ 7 чиқишидаги маълумотларни ўқийди ва бир вақтнинг ўзида уларни узатиш токининг жорий қиймати билан таққослайди. Қўлланган ва

узатилаётган токнинг фарқ қийматлари билан микроконтроллер томонидан католик сигнали ҳосил қилинади.

Қурилма қабул қилувчи режимда ишлаётганда, узатгич қисмида алгоритмик равишда ўлчанган ток диапазонининг юқори чегарасидан ошиб кетадиган белгиланган сигнални аниқлаш ва бериш вазифасини белгилаш керак. Шундай қилиб, кириш ток амплитудаларининг тасодифий тебранишларидан автоматик ҳимоя қилиш амалга оширилади, чунки айни пайтда жорий чегарада белгиланган даражага эришилади, бу эса қурилманинг ишончлилигини таъминлайди.

Микропроцессор тизими билан маълумот алмашишни ташкил қилиш учун универсал интерфейс ишлаб чиқилган

Универсал интерфейс 4 - 20мА /0 - 5мА


Қабул қилувчи узатувчи қурилманинг асосий техник параметрлари

1. Чиқиш сигналларини узатиш ва қабул қилиш режимларида ҳимояни аниқ ўрнатиш имконияти мавжуд.

2. Муҳим ўлчаш нуқталарини кучайтириш ва алмаштириш орқали хизмат кўрсатадиган интерфейслар ва критик нуқталар сонини мустақил тартибга солиш мавжуд.

3. 0-5 мА интерфейзда жорий сигнални қайтариш режимларини тезкор фаоллаштириш имкониятлари

4. У 5 В, 7 В, 17 В учун универсал стабиллаштирилган таъминот кучланиши билан жиҳозланган



7-расм. Ишлаб чиқилган микропроцессор модулининг структура схемаси


5. Қурилманинг универсал қувват манбаи бирламчи ўзгарткичларнинг ёрдамчи ускунасига таъминот кучланишини таъминлаш учун 3 В ёки 5 В ўрнатилган кучланиш стабилизаторини ўз ичига олади.

6. Модулнинг ўлчаш қисмини қувват билан таъминлаш учун ўрнатилган 2,5 В мос ёзувлар кучланиш манбаи мавжуд.

7. АРЎда модулнинг шовқинга турғунлигини ошириш учун ўрнатилган рақамли дастурий таъминот-бешинчи тартибдаги алгоритмик филтр мавжуд

8. Тизим интерфејси қўшимча кириш кучайтиргичи билан жиҳозланган.


9. Масофавий объектлар билан алоқани ташкил қилиш учун HART ва бошқа тизим модемларига мос келади.



8-расм. Қабул қилувчи узатувчи интерфејс схемаси

Модуль характеристикаси

Ўзгартиришнинг динамик хатолиги		0.05%
Статик чизиқлилиқ		0.01%
Чиқишдаги номинал ток қиймати	- икки томонли тизим учун	4-20 мА
	Тўрт каналли сим учун	0-5 мА.
Истеъмол қилинадиган ток қиймати		400 мкА



9-расм. Ишлаб чиқилган қурилма модулнинг олд томондан кўриниши.

ХУЛОСА

1. Ўлчаш тизимларида шовқинларни бартараф этиш усулларининг тахлили асосида уларнинг аниқлиги ва шовқинга турғунлигини оширишнинг услубий асослари шакллантирилди ҳамда аналог киришлар ва рақамли блоклар ўртасида сигналларни қабул қилиш ва узатиш жараёнини яхшилаш учун ўлчаш тизимларининг интерфейсларидан фойдаланишнинг афзалликлари аниқланди.

2. Шовқинларни бартараф этишнинг классик усулларида фарқли ўлароқ, шовқинларни бартараф этиш учун ўлчаш сигнаolini рақамли филтёрлаш усулидан фойдаланишнинг афзаллиги асосланди.

3. Ишлаб чиқилган ўлчаш тизимининг экспериментал тадқиқотлари бирламчи ўзгартиргич кучайтиргичларида оқ шовқин ва фликкер шовқинни бартараф этиш учун юқори частотали квантлаш билан рақамли филтёрлаш усулини қўллашнинг асосланганлигини кўрсатди.

4. Ўлчаш сигналларини қайта ишлаш жараёнида рақамли филтёрлаш алгоритмларидан фойдаланиш шовқин ва ўлчаш сигнаlining шовқинга хос таъсирларини ҳисобга олиш ва ўлчаш тизимларининг тезлиги ва шовқинга турғунлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

5. АТmega оиласига мансуб микроконтроллерининг стандарт киритиш чиқариш интерфейсларидан фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилган ўлчаш тизимининг аналог киришлари ва рақамли блоклари ўртасида гальваник боғланиш каналларини ташкил қилиш учун мажбурий процедуралар сонини камайтирди.

6. Тавсия этилган қабул қилувчи-узатувчи қурилма схемаси сигналларнинг динамик масштабини таъминлайди ва чиқишдаги ток сигналларининг чегара қийматларини чеклаш қобилиятига эга, бу эса ўлчаш тизимининг ишончлилигини оширишга ёрдам беради.

7. Сигнални ўлчаш модулининг тавсия этилган схемаси ички резисторларнинг ҳарорат хусусиятларини 0-5 мА оралиғида мувофиқлаштиришга хизмат қилади ва ўлчаш тизимининг импульс кенглиги модуляторини бошқариш учун барқарор ток генератори билан жиҳозланган;

8. Ишлаб чиқилган ўлчаш тизимининг намунавий нусхасида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар давомида олинган частота хусусиятлари назарий тадқиқотлар натижалари билан уларнинг адекватлигини аниқлашга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ИСМОИЛОВ МУХРИДДИН ТУЛКИН УГЛИ

**ПОВЫШЕНИЕ ТОЧНОСТИ И ПОМЕХОУСТОЙЧИВОСТИ
БЫСТРОДЕЙСТВУЮЩИХ УСТРОЙСТВ ВВОДА АНАЛОГОВОЙ
ИНФОРМАЦИИ**

05.03.01 - Приборы. Методы измерения и контроля (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертация доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером №B2020.3.PHD/T1819.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горно-технологическом университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель: Жумаев Одыл Абдужалилович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Алиев Равшан Маратович
доктор технических наук, профессор
Плахтнев Анатолий Михайлович
доктор технических наук, профессор


Ведущая организация: Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада Ал Хоразмий


Защита диссертации состоится «09» 01 2023 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за №-292) (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.)

Автореферат диссертации разослан «26» 12 2022 года.
(протокол рассылки № 31 от «3» 12 2022 года)




Н.Р. Юсупбеков
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик


У.Ф. Мамиров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент


У.Т. Мухамедханов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире уделяется большое внимание высококачественной обработке данных измерений с использованием цифровых технологий, включая фильтрацию шумов и помех. В связи с этим процесс оптимального распределения функций фильтрации шума между аппаратными и программными средствами, а также создание аналоговых модулей повышения точности и устойчивости измерительных систем к шуму становятся все более важными задачами. В этой связи изучение результатов, достигнутых в повышении эффективности цифровых измерительных систем в развитых странах мира, вопросы повышения точности и помехоустойчивости измерительных систем за счет использования современной элементной базы и достижений цифровых технологий, а также внедрение научных исследований в данной области являются особенно актуальными.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на повышение быстродействия и точности измерительных систем, в которых решающую роль играют устройства, осуществляющие цифровую обработку сигналов с первичных преобразователей. Все большее значение приобретает разработка средств измерений с целью повышения надежности измерительных систем, снижения негативных влияющих факторов и устранения паразитных помех, вызванных окружающими их электромагнитными полями. В связи с этим для создания средств измерений одной из важных задач является разработка и внедрение в практику средств измерительных приборов, повышающих точность и устойчивость к помехам.

В республике реализуются комплексные системные меры по активному развитию цифровой экономики, широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во всех отраслях и звеньях, прежде всего, в государственном управлении, образовании, здравоохранении и сельском хозяйстве, а также внедрению измерительных систем. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены задачи, в том числе "...сокращение энерго- и ресурсоемкости экономики, внедрение энергосберегающих технологий в производство, повышение производительности труда в отраслях экономики, ... обеспечение внедрения инновационных разработок и технологий в технологические процессы экономики, производства продукции"¹. Реализация этих задач, в том числе улучшение метрологических характеристик компонентов средств измерений и систем интеллектуального интерфейса, является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-3682 "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практической реализации инновационных идей, технологий и проектов" от 27

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № 60 "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы"

апреля 2018 года и УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года, в Постановлении ПП-4124 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли” от 17 января 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики-IV “Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий”.

Степень изученности проблемы. В мире ведутся научно-исследовательские работы по решению задач совершенствования характеристик интерфейсных систем, в том числе модулей аналогового ввода для интеллектуальных измерительных систем во многих научных центрах и лабораториях высших учебных заведений: Berkeley, Los Angeles Massachusetts Institute of Technology (США), University of Munich, Automatisierung (Германия), The University of Edinburgh (Великобритания), Yaskawa Toshiba (Япония), Technion-Israel Institute of Technology (Израиль), Московский государственный технический университет им. Н.Э.Баумана (Россия), Swiss Federal Institute of Technology Lausanne (Швейцария), Erasmus University Rotterdam (Нидерланды) и Ташкентский государственный технический университет, Национальный метрологический университет (Узбекистан) и другие.

В решение проблемных задач исследований и создание устойчивых систем управления с новыми принципами обработки информации среди зарубежных ученых большой вклад внесли: J. R. Barnes², H. W. Ott³, C. Plapous⁴, R. V. Snyder,⁵ А. Н. Кузнецов,⁶ А. О. Калита⁷ и др.

² Tuomi M., Hugh R. J., James S. J., Chris G., R. Paul B., Steve S. V., John R. B. “Signals embedded in the radial velocity noise-Periodic variations in the τ Ceti velocities”. *Astronomy and Astrophysics* 551 2013: A79.

³ Ott H. W. *Electromagnetic compatibility engineering*. John Wiley and Sons, 2011.

